18 (452)

2005 йил 4 май

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Тўғри йўлдан озган "тақводор"
▶ Маслаҳатчилар фаолиятида кўмак

3
▶ Фронтда янграган "Тановор"...
▶ "Оталар чойхонаси"да ёдгорлик

4
▶ Маънавият хазинасин калити китобдир!
▶ Келинчакка ким суянчиқ?!.

Расмий хабар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати иккинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси 2005 йил 6 май куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2005 йил 5 май куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

"Mahalla" хабарлари

Андижон вилояти

ХЎЖАЛИКНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

Жалақудуқ туманидаги қадимий Ойим қишлоғида фаолият кўрсатаётган саккизта маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳаммаси замонавий бинолар билан таъминланди.

Уларда йиғин раиси, котиби маслаҳатчи ва маҳалла посбонлари сардорининг фаолият кўрсатишлари учун зарур бўлган барча шароитлар муҳайё қилинган. Бу хайрли иш учун ҳамқишлоқлар "Ойим" ширкат хўжалигининг берган кўмагидан миннатдор бўлмоқдалар.

— Қишлоғимизнинг обод бўлиши ҳаммамиз учун муҳим, — дейди ширкат хўжалиги раиси ўринбосари Аъзамжон Қорёғдиев.

Шунингдек, хўжалик яна бир эзгу ишга бош қўшди. Тумандаги Далварзин маҳалласида қишлоқ врачлик пункти қурилишига ҳомийлик қилди. Қишлоқдаги мактабларни, қишлоқ шифохонасини таъмирлашда иштирок этди.

Айни пайтда хўжалик ҳамда маҳалла фаолларининг ташаббуси билан аҳоли озодалик ва ободончилик икки ойлигида фаол қатнашмоқда.

Наманган вилояти

МАЖНУНТОЛЛИКЛАР...

Наманган шаҳридаги қадимги ва гажум мавзелардан бўлган Мажнунтол маҳалласи фуқаролар йиғининг ҳар бир оиласи аъзолари маҳаллада ўтказиладиган хайрли тадбирларда, ободончилик, кўкламзорлаштириш ишларида фаол.

— Биз ҳеч қачон маҳалла аҳлини эшикма-эшик юриб, ҳашарга чақирмаймиз, — деди маҳалла оқсоқоли Ҳакимжон Мирзаев. — Ердан қор кетиши биланоқ, одамлар ўз-ўзидан ҳаракатга тушиб кетишади. Бу фазилатлар авлодлар оша мерос бўлиб келаяпти.

Маҳалла аҳли бу йил ҳам катта ишларни амалга оширган. Дастлаб суғориш тармоқлари тозаланди, кўчалардаги дарахтлар, гуллар парвариш қилинди, бутаб, оқланди. Кейин қабристонлар хас-ҳашаклардан тозаланди, унинг дарвозалари чиройли қилиб бўялди. Маҳалла гузарининг бир четида эскидан чакалакзор бўлиб ётган майдонча бор эди. Шу жой тозаланиб, уч юз тупга яқин атиргуллар экилди.

Маҳалла гузарида аҳоли учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Озиқ-овқатлар, хўжалик моллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконлар, чойхона, ошхона, қассобхона, маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ишлаб турибди.

Сўнгги икки-уч йил ичида қад кўтарган ва аҳолига хизмат кўрсатаётган ана шу кўркам биноларни қуришда маҳалладаги тадбиркорлардан Ҳабибулла Ғиёсов, Насрулла Илёсов, Тоҳиржон Халилов, Довутхон Аҳмедов ва бошқалар муносиб ҳисса қўшдилар. Тадбиркорларнинг куч-ғайрати билан маҳалла аҳолиси учун тегирмон, пахта титиш, ёғочни қайта ишлаш цехлари фойдаланишга топширилди. Бу билан элликка яқин маҳалла аҳолиси учун доимий иш ўринлари яратилди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Жиззах вилояти

МАҲАЛЛАДА ҲАММА СПОРТЧИ

Бунда оқсоқолнинг ўзи бош-қош

Дўстлик туманидаги Алишер Навоий номли маҳалла аҳли орасида спорт кенг оммалашмоқда.

Эрта тонгда маҳаллада бўлсангиз, ажойиб манзаранинг гувоҳи бўласиз. Мактаб ўйингоҳида турли машқларни бажараётган ёшлар, ўқувчилар, ўсмирларни кўрасиз. Улар орасида ҳатто пенсия ёшидаги фуқароларни ҳам учратиш мумкин. Ўз навбатида туман марказий шифохонаси вакиллари маҳаллаларда бўлиб аҳоли ўртасида спорт ва саломатлик мавзусида суҳбатлар уюштирмоқда. Шуниси аҳамиятлики, фуқаролар машқларни спорт кийимларини кийиб бажаришади. Бунда ҳомий ташкилотлар—Дўстлик ун комбинати, туман пахта тозалаш заводи жамоалари моддий жиҳатдан ёрдам бермоқдалар. "Машъал", "Учқун" ёшлар жамоалари "Маҳаллаламиз футболи" мусобақаларида иштирок этиш бахтига сазовор бўлдилар.

Ҳа, маҳаллада спортчи оилалар анчагина. Бунга оқсоқол Бахтиёр Эшмаматовнинг ўзини, оиласини намуна қилиб кўрсатса бўлади. У спортнинг футбол, волейбол турлари билан шуғулланади. Номдор футбол жамоаларида иштирок этган Бахтиёр ака фарзандларини ҳам спортга қизиқтирмоқда. Ўғиллари Умиджон, Бобуржонлар каратэ бўйича мусобақаларда фаол иштирок этмоқдалар. Маҳаллада ўтаётган тадбирлар, маросимлар спорт мусобақаларисиз ўтмайди. Зеро, "Сиҳат-саломатлик йили" дастурида ҳам айни ана шу жиҳатлар кўзда тутилган.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Қашқадарё вилояти

БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР...

Кўрғонча маҳалласи. Мажлислар залига Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилиб ғалабани таъминлашда муносиб ҳисса қўшган фахрийлар тўпланишган.

Қарши шаҳридаги ана шу биргина кичкина маҳалладан Иккинчи жаҳон урушида 56 нафар киши қатнашди. Улардан 20 кишигина ногирон ҳолда қайтди. 14 нафар уруш қатнашчиси ҳамон сафда. Бу ҳам маҳалла аҳлининг шукрона айтишига бир сабаб. Ахир бошқа маҳаллаларда бундай табаррук инсонлар сони жуда кам қолди-да.

— Сталинград ва Курск остоналарида бўлган қақшатқич жангларни эсласам ҳамон дилим ларзага келади, кўзимга ёш оламан, — дейди 91 ёшни қаршиланган Исмат бобо Раҳматуллаев. — Шу жангу жадаллардан омон қолиб Ватанимга қайтиб келганим, Мустақилликка етишган кунларни кўрганим учун Аллоҳга минг бор шукур қиламан.

Ҳа, жангларда кўрсатган қаҳрамонлиги, матонати учун шахсан Олий Қўмондоннинг "Мақтов ёрлиғи"ни олган Исмат ака тинч қурилиш йилларида вилоят иқтисодиёти, қишлоқ хўжалигига ҳам муносиб ҳисса қўша олди. У Косон туманидаги Қўнғиртов хўжалигига узоқ йиллар давомида раҳбарлик қилди.

Кўпчилик уруш қатнашчилари босиб ўтган йўл маҳалладошларига, айниқса ёшларга ўрнак бўларлидир. Ленинград қамалининг иштирокчиси Нажия Раҳматулина, қонли жанг майдонларидан ўнлаб ярадорларни олиб чиққан, уларнинг дардига дармон бўлган, ҳаётини сақлаб қолган ҳамшира-жангчи Анна Колесниковаларнинг жонли ҳикоялари, уруш орқасидан гўдакларини елкалаб далаларда меҳнат қилган онахонларнинг кўз ёшлари аралаш сўзлари ҳеч кимни бефарқ қолдира олмади.

— Жанг майдонида яраланиб ётар эканман, юртимга қайтиб гадойлик қилиб бўлса ҳам кун кечиришга розиман, деб яратганга минг бор илтижолар қилдим, кўз олдимда қанчадан-қанча норғул йигитлар ҳаётдан кўз юмишди, — дейди Тошан бобо Азизов. — Мана, Аллоҳга минг бор шукур, элнинг корига яраб, юрибмиз. Биз уруш қатнашчилари, кексалар ҳамиша Президентимиз эътиборида эканлигимиздан мамнунмиз. Юртбошимизнинг "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йилларидаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони бизни нихоятда тўлқинлантириб юборди.

Урушдаги мардона хизматлари учун кўкрагига қатор-қатор орден ва медаллар тақиб қайтган Мустафо ота Соҳибов, Усмон бобо Донаев, Остон Саидовлар ҳам бугун маҳалла фахри.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ

9 МАЙ — Хотира ва қадрлаш куни

СУРАТЛАРДА: *Пойтахтдаги Мотамсаро она ёдгорлик мажмуида.*
Хоразм вилоятининг Хазорасп туманидаги Хотира майдони.
Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги Хотира майдони.
Айни кунларда бу ҳайкаллар пойи уруш қаҳрамонларини ёд этган зиёратчиларнинг гулдасталарига тўлган.

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

3-саҳифада

Ифтихор туйғуси

Ҳамид НОРҚУЛОВ

ГИЛАМГА ОСИЛГАН БАЙРОҚ

Яқин дўстларимдан бири иш юзасидан уйига чақирди. У адабиётга жуда ҳам қизиқар, ўртамизда бу мавзуда ҳам жуда кўп суҳбатлар бўлган. Мен унинг таклифи билан дам олиш кунларидан бирида уйига бордим.

Ҳовлида кутиб олган дўстим "юр, салқинроқ уйда ўтирамиз", — деб меҳмонхонасига бошлади. Остонадан киришим билан қотиб қолдим. Нега дейсизми? Тўрдаги ял-ял ёниб турган гилам ўртасига Ўзбекистон байроғи чиройли қилиб осиб қўйилган эди. Остонада ҳайрон турар эканман, икки нарса хаёлимда чарақлаб кетди. Биринчиси, нега шу иш менинг эсимга келмади, нега ижодхонамга мен ҳам мана шундай қилиб байроқ осиб қўймадим, деб. Иккинчиси, миллий мафкура деб ялтироқ гапларни қидирамиз-у, дўстим каби оддий инсонлар ҳаётидан, турмуш тарзидан, урф-одатидан миллий мафкурани қидирмаймиз. Шошганимдан унга "байроқни қаердан олдинг?" деб юбордим. У эса менга жилмайиб "топдим, қидирдим, топдим", деганича ўтиришга чорлади. Бир пиёла чой ичгач, у чақирганининг сабабини айтди ва шу масалада маслаҳат ҳамда ёрдам беришимни сўради. Гапни битта жойга қўйдик. Дўстим билан суҳбатлашяпман-у кўзим байроқда. Хаёлимда нималардир чарх уради. Бутун вужудимда ҳаяжон кўпириб тургандек бўлди. Мен кетишга рухсат сўрадим. Дўстим "битта шеър эшитиб кетасан, шошма", деганча ҳовлига югуриб кетди. "Қанақа шеър", — деганча қолдим. Фурсат ўтмай икки ўғлини бошлаб кирди. "Қани, ўғилларим, худди кечагидек қилиб ўқиб берасизлар, адашиш йўқ", — деди уларга қараб. 10 яшар ўғли гиламнинг тагига келиб Ўзбекистон мадҳиясини шундай жарангдор овоз билан ўқидики, "ҳайратларим сел бўлиб кетди-ей", дедим. У тамом қилгач, иккинчи ўғли Абдулла Ориповнинг "Ўзбекистон" шеърини дона-дона қилиб ўқий бошлади. Мен бу ҳолатларни ҳаяжон аралаш титроқ билан ўтказдим. Кўнглим тоғдек кўтарилди.

Уйга қайтар эканман, миллий мафкуранинг оилада куртак отаётганидан севиндим. Бу куртак гул бўлишига, мева тугишига астойдил ишондим.

Ҳовлида қизларим гул экишаётган экан. Дарров уй кийимимни кийиб улар олдига келдим. Шу пайт кичик қизим "Дада, гуллардан "Ўзбекистон" деб ёзиб қўймаймизми?" деб қолди. Ҳаммамиз бир-биримизга бир дақиқа ҳайрон боқиб турдик-да, сўнг гуллардан сўз ёзишга киришиб кетдик. Атрофга шом чўкиб, кўкда юлдузлар чарақлаб кетди.

Қалб мавжи

ВАТАН ДЕҒАНИ АСЛИ...

Ватан дегани асли уй-жойинг,
хонанг экан,
Бешигингни тебратган
меҳрибон онанг экан.
Ватан дегани асли кўрпача
солган еринг,
Бир дарахт ўстирай деб
манглайдан оққан теринг.
Ватан дегани асли
ҳовучингдан оққан сув,
Қуралай кўз кўз қисиб
болаликдан боққан "хув..."
Ватан дегани асли миллатинг,
тилинг экан,
Соғинганда кўз ёшинг,
ёришган дилинг экан.

Эркин ОХУНЖОНОВ

Mahalla

— Яна нима дейди?
— Уруш хотиралари-дан сўзлаб беринг, — дейди.

Жамият ва ёшлар

НАЗОРАТ СОҒЛОМ МУҲИТДА ШАКЛЛАНАДИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳамда Республика Бош прокуратураси ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда "Вояга етмаганлар: қаровсизлик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг долзарб муаммолари" мавзусида илмий-амалий конференция ташкил қилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ушбу масалага ҳукумат ва кенг жамоатчилик томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Чунки Ўзбекистонда яшаётган аҳолининг 44 фоизини вояга етмаганлар ташкил этади. Улар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ва қаровсизлик, назоратсизликка барҳам бериш мақсадида ҳокимликлар ҳузурида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолият кўрсатади. Айни пайтда уларнинг сони 213 тани ташкил этади. Эътиборли томони, мазкур комиссияларда асосан ҳуқуқшунос кадрлар хизмат қилаяпти. Қолаверса, уларга жамоатчилик асосида 3 минг нафардан зиёд малакали мутахассислар жалб этилган.

Қаровсиз ва назоратсиз қолган болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш муаммолари билан жамоат ташкилотлари, хусусан, "Сен ёлғиз эмассан" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси фаол шуғулланмоқда. Вояга етмаганлар ишлари бўйича Республика комиссиясининг мазкур жамғарма билан яқиндан ҳамкорлик қилаётганлиги болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш борасидаги ишларни янада жонлантиришга имкон яратмоқда.

Тадбирда Республика прокуратураси, Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда бошқа халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Конференцияда маъруза қилганлар бу борада зарур амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, хорижий мамлакатлар илғор тажрибаларини оммалаштириш ва энг асосийси, маҳаллалар мадади катта аҳамият касб этишини алоҳида таъкидладилар.

Ф.БЎТАЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R » — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА ҲАМ ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

Самарқанд вилояти

МИНИ БАНКЛАР ФЕРМЕРЛАР ХИЗМАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги "2004-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида" ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг дастури ишлаб чиқилди.

Унга кўра, 2005 йилда фермер хўжаликларига айлантирилиши назарда тутилган хўжаликлар ҳудудида тижорат банклари томонидан жорий йилнинг 28 февралига қадар мини банкларни тўлиқ ташкил этилишини ҳамда уларни малакали ходимлар ва талаб этиладиган барча зарурий жиҳозлар билан билан таъминлаш белгиланган эди.

Ушбу қарор ижросини ҳаётга татбиқ этиш борасида акциядорлик тижорат "Тадбиркор банк" вилоят бошқармаси бўйича тўртта мини банклар ташкил қилинди. "Илм", "Самарқанд" ҳамда "Санчиқул" мини банклари амалиёт бўлими қошида очилди. Айни пайтда уларда фаолият кўрсатаётган малакали ходимлар мижозларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

— Мини банкларнинг ташкил этилиши фермерлар учун айни муддао бўлди, – дейди "Тадбиркор банк"нинг Самарқанд шаҳар бўлими бошқарувчиси Ўктам Бойзоқов. — Улар энди ортиқча сарф-харажат эвазига туман ва шаҳар марказларига бориш ташвишларидан қутулдилар. Банк билан боғлиқ бўлган ҳар қандай операциялар мини банкларда амалга оширилаверади. Масофа яқин бўлгач, фермерларнинг ҳам муаммолари осонроқ ҳал бўлади. Мижозларга хизмат кўрсатиш савияси янада яхшиланишини назоратга олганмиз. Мини банк ходимлари олдига кўплаб талаблар қўйилган. Бу талабларнинг ўз вақтида бажарилиши фермерларнинг ортиқча сарсонгарчиликларига чек қўймоқда. Фермер хўжалигининг амалий фаоллигини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Мамлакат иқтисодиётига қўйилаётган жамғармалар ва инвестициялар даражаси жиддий равишда ўсишига кўмаклашиш, макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсиш тенденцияларини мустаҳкамлаш банкимиз олдидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ғайрат БОБОҚУЛОВ,
"Mahalla" мухбири.

Лойиҳа

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИНИНГ ДИНИЙ МАЪРИФАТ ВА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИСИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

НАМУНАВИЙ НИЗОМ

Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-3434-сонли Фармони асосида, 2004 йил 1 июлдан бошлаб, ҳудудида камида 500 оила яшайдиган маҳаллалар, шунингдек, таркибида маҳаллалар ташкил қилинмаган посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғини кенгаши аппарати тузилмаси киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 29 июнь 299-сонли Қарори билан Республика Президентининг ПФ-3434-сонли Фармони ижросини таъминлаш бўйича ташкилий ва тарғибот чора-тадбирлари дастурини тасдиқлади.

Қабул қилинган ҳужжатларда фуқаролар йиғининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимига энг нуфузли ва фаол, амалий тажрибага эга бўлган ва маҳалла аҳолисига, биринчи навбатда ёшлар онгига соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга, энг яхши миллий ва диний анъаналар ва урф-одатларни ривожлантириш, тарбия масалаларида самарали таъсир кўрсатишга турли хил диний-экстремистик гуруҳлар таъсиридан асрашга, таҳлилий хулосалар асосида маслаҳат беришга қодир бўлган хотин-қизлар тайинланиши таъкидланган.

Фуқаролар йиғининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси юқорида қўйилган талабларга жавоб бериш билан бир қаторда, ўзига тегишли бўлган барча вазифаларни тўла англаши, вазиятни тўғри ва одил баҳолаши ва натижасига кўра, ўзининг таклиф ва мулоҳазаларини фуқаролар йиғини кенгашига киритиши ва уларни ҳимоя қила олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Ушбу Низом фуқаролар йиғини кенгашларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларини ишга қабул қилиш тартиби, уларнинг вазифалари, фаолият йўналишлари, иш услублари, ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб беради.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1 Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси (кейинги матнларда "маслаҳатчи" деб юритилади) туман (шаҳар) ҳокимлари ҳамда тегишли фуқаролар йиғини кенгаши қарори билан тайинланади.

1.2 Маслаҳатчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3434-сонли Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 июндаги 299-сонли Қарори, "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун ва мазкур Низом асосида иш олиб боради.

1.3 Маслаҳатчи лавозимига тайинланадиган шахс ўзи фаолият юритадиган ҳудудда доимий истиқомат қилиши шарт.

1.4 Маслаҳатчи ўз ваколати доирасида туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталари, фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини таркибидаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси фаолиятларини такомиллаштиришга ёрдам беради.

1.5 Фуқаролар йиғини кенгаши маслаҳатчиси иш шароити ва керакли адабиётлар билан таъминлайди.

1.6 Маслаҳатчилар фаолиятини мунтазам равишда мувофиқлаштириб бориш учун туман, шаҳар, вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар миқёсида мувофиқлаштириш кенгаши тузилиши керак.

II. МАСЛАҲАТЧИЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

1.Диний маърифат масалалари бўйича

2.1.1. Конституцион тузумга ва аҳоли осойишталигини бузишга қаратилган ғайриқонуний ҳолатларни ўрганиш ва буларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар кўриш.

2.1.2. Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонунини чуқур ўрганиш ва ҳаётга жорий этишда фуқаролар йиғини кенгашига кўмаклашиш.

2.1.3. Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбияга оид қуйидан бўладиган таклифларни ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш билан хотин-қизлар орасида ижодий ташаббускорликни оширишга эришиш.

2.1.4. Фуқароларда диний бағрикенглик, бошқа дин вакилларига ҳурмат, ўзаро бирадарлик, қардошлик туйғуларини шакллантиришда Ўзбекистон Конституцияси ва муқаддас манбааларга ҳамда миллий қадриятларимизга мувофиқ фаолият олиб бориш.

2.1.5. Носоғлом оилалар билан, жумладан, аъзоларидан биронтаси жиноят қилиб ёки экстремистик ташкилотлар фаолиятида қатнашганлиги учун жазо муддатини ўтаб қайтган шахслар билан ишлаш усулларини ўрганиш. Уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш.

2. Маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича

2.2.1. Маҳалла аҳли ўртасида маънавий муҳитни соғломлаштириш (нотинч оилалар, жиноят, ўз жонига қасд қилиш, фоҳишабозлик, департация, гиёҳвандлик, турли диний экстремистик оқимлар ва б.) борасида мақсадли тадбирларни амалга ошириш.

2.2.2. Оила ва никоҳ муносабатларининг қонунийлигини таъминлаш бўйича аниқ таклиф ва тадбирлар уюштириш.

2.2.3. Миллий, диний урф-одатлар ва маросимларни ихчам ва замонавий, кенг аҳоли манфаатларига қаратилган тарзда ташкил этишга кўмаклашиш.

2.2.4. Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбияга оид маърифий қўлланмалар, рисолалар, буклетларни тарқатиш ва тарғиб қилиш.

2.2.5. Хотин-қизларнинг ижтимоий бандлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, зарур ҳолларда тегишли таклифлар бериш.

2.2.6. Маҳалла аёллари, қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзи, кийиниш, овқатланиш маданиятини шакллантиришнинг самарали йўлларини татбиқ этиш.

II. МАСЛАҲАТЧИ ФАОЛИЯТИНИНГ УСЛУБЛАРИ

3.1.1. Фуқаролар йиғинида умуминсоний, миллий ва диний қадриятларни тарғиб этувчи турли маданий-маърифий тадбирлар, суҳбатлар, учрашувлар уюштириш.

3.1.2. Турли хил оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар ташкил қилиш.

3.1.3. Хотин-қизлар илмий салоҳияти ва интелектуал савиясини кўтарувчи жамоатчилик институтлари (клублар, марказлар, бадиий кечалар, интелектуал шоулар, танловлар ва б.) ташкил этиш.

3.1.4. Ҳудуддаги мавжуд оилаларнинг ижтимоий-демографик, маънавий-ахлоқий ҳаритаси ва маълумотлар банкини яратиш.

3.1.5. Муаммоли, нотинч оилар билан ишлашнинг индивидуал воситаларини ишлаб чиқиш бу борада тажриба алмашиш.

3.1.6. Маҳалладаги намунали оилалар ва мартабали шахслар салоҳиятидан самарали фойдаланиш, психолгик-педагогик ёндашув.

IV.МАСЛАҲАТЧИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

4.1. Фуқаролар йиғинидаги диний маърифий, маънавий-маданий тадбирларга кенг жамоатчиликни, олимлар, мутахассислар, хотин-қизлар ҳаракати фаолларини, оқсоқолларни жалб этади.

4.2. Фуқаролар йиғини ҳаётига оид телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар, матбуотда чиқишлар уюштиради.

4.3. Маҳаллалардаги намунали оилаларни, фаол фуқароларни, шунингдек, иқтидорли ёшларни Давлат ва бошқа мукофотларга тақдим этиш ҳамда рағбатлантириш бўйича фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритади.

4.4. Хотин-қизлар қўмиталари ва фуқаролар йиғини ҳузуридаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясининг фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифлар киритади.

V. МАСЛАҲАТЧИ ФАОЛИЯТИГА РАҲБАРЛИК ВА УНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ

5.1. Маслаҳатчига фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) бевосита раҳбарлик қилади.

5.2. Маслаҳатчи фаолиятини туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмитаси ва фуқаролар йиғини ҳузуридаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари тавсиялари асосида фуқаролар йиғини кенгаши мувофиқлаштириб боради.

5.3. Маслаҳатчиларга уларнинг функционал вазифаларига хос бўлмаган, Низомда кўрсатилмаган ортиқча топшириқлар беришга йўл қўйилмайди.

Азиз муштарий!

Фуқаролар йиғининининг фаолияти, қолаверса, жамиятимиз муаммолари ечимига, ҳаёт тарзимиз мукаммаллигига эришишга хизмат қилувчи бу фаолият ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак. Шу боисдан биз сизнинг ушбу Низом лойиҳаси билан танишгач, унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишга қаратилган фирларингизни кутамиз.

СУРАТДА: *кўрик-танловнинг Бўка тумани бўйича ғолиби Озода Пўлатова (чапдан биринчи) маҳалланинг фаол аёллари билан.*

Маслаҳатчилар кўрик-танлови

Тошкент вилояти

БЎКАДА БЕЛЛАШУВЛАР ЯКУНЛАНДИ

Юртбошимиз ташаббуси билан жорий этилган маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимида фаолият кўрсатиб келаётган маслаҳатчиларнинг ишда эришган муваффақиятларини оммалаштириш ва меҳнатларини рағбатлантириш мақсадида Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Маҳалла" жамғармаси Республика бошқаруви томонидан "Фуқаролар йиғини кенгашининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танлови эълон қилинган эди.

Яқинда Бўка туманида ана шу танловнинг вилоят босқичи якунланди. Унда вилоятнинг Олмалиқ ва Бекобод шаҳри, Пскент, Бўка, Бекобод туманларининг ҳудудий босқичларида ғолиб чиққан маҳалла маслаҳатчилари ўзаро беллашдилар. Якуний саралаш босқичи қатнашчилари — Олмалиқ шаҳридаги Алишер Навоий номли маҳалладан Муқаддас Холбоева, Бекобод шаҳридаги Собир Раҳимов маҳалласидан Саломатхон Тожибоева, Бекобод туманидаги Олтин водий маҳалласидан Хурсаной Маҳмудова, Бўка туманидаги Хўжақўрғон маҳалласидан Озода Пўлатова, Пскент туманидаги Ойбек маҳалласидан Хуринисо Аҳмедовалар ўз ишларига чуқур масъулият билан ёндошиб, ҳар томонлама намунали фаолият кўрсатаётган маҳалла маслаҳатчилари эканликларини намойиш этдилар. Кўрик-танлов натижаларига кўра, Пскент туманидаги Ойбек маҳалласи маслаҳатчиси Ҳуринисо Аҳмедова кўрик-танлов ғолиби деб топилди. Ғолиб ва совриндорларга вилоят, туман ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Маҳалла жамғармасининг Бўка тумани бўлинмасининг раиси Т.Ҳамроқулова таассуротлари билан ўртоқлашар экан:

— Бундай танловларнинг ўтказилиши маҳалла маслаҳатчиларининг ишига янада эътибор билан ёндошувига ва янги ютуқлар сари чорлашига ишонаман, — деди.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА

Эссиз одамлар...

"ТИРИК БОМБА" ёки...

Мақоланинг бундай номланиши нақадар ноўнғай, кўнгилсиз. Лекин ўз инсоний қиёфасини йўқотган ваҳшийлар шундай йўл тутишгач, уни бошқача номлаш мумкинми?

Яқинда Тошкент шаҳар судида чет элга ноқонуний йўллар билан кетган бир аёлга нисбатан қўзғатилган жиноий иш кўриб чиқилди. Бу аёл, ўзининг айтишича, "нодоплиги туфайли" террорчилар тўдасига ёлланиб қолган экан. Аёлни тўда чет элга — жангарилар сафига юбориб, кейинчалик ундан "тирик бомба" сифатида фойдаланиш ниятида бўлган. Аммо уларнинг режаси амалга ошмади, чунки аёл худкушлик қилишдан бош тортади. Кўп нарсадан хабардор бўлган аёлни ортига қайтариб юборишни хавфли деб билган тўда уни покистонлик бир кишига пуллаб юборади.



Панжара ортида ёши элликни қоралаб қолган аёл. У шу ёшга келиб, инсон оқни қорадан ажрата оладиган бўлади, деган нақлнинг бутунлай аксини ўз тақдирида намоён этди. Қора ниятли кимсаларнинг гапига кириб, чет элларда террорчилар лагерига борди. Аёлнинг илтимосига кўра исмини ўзгартириб, барча Малоҳатлардан узр сўраган ҳолда, ҳикоямиз давомида уни "Малоҳат" деб атаймиз.

...Малоҳатни бу йўлга бошлаган ён қўшниси эди. Бир қарашда тақводор кўринган аёл унга намоз ўқишни ўргатди, кейинчалик эса ҳижоб кийдирди. Бора-бора шаҳарнинг гоҳ у бурчагида, гоҳ бу бурчагидаги хуфия хонадонларда уюштириладиган аёллар мажлисларига етаклади. Сирли мажлисларга эркаклар ҳам келиб туришар ва аёлларга итоатгўйлик ҳақида узундан-узоқ маъруза қилишарди. Кейинчалик аёллар учун тунги машғулотлар уюштирилди. Машғулотда улар айғоқчилик сирларини, уйларга эшитиш мосламалари ўрнатиш усулларини, кимнидир пойлаш ёки кузатувдан қочиш амалларини ва портлаш мосламалари тўғрисида батафсил ўрганишга киришишди. Машғулотлар тугагач, энг "тиришқоқ" аёлларни чет эл сафари кутмоқда эди.

Кунларнинг бирида Малоҳат фарзандлари ва турмуш ўртоғига ҳеч нарса демай уйдан ғойиб бўлди. Чунки тўданинг "катта"лари чет элга кетмоқчи бўлганларга шундай шарт қўйган эди — аёллар қаёққа ва ким билан кетаётганлари ҳақида ҳеч кимга оғиз очмасликлари керак!

У борган хонадонга йиғилган "сайёҳ"лар ўн етти, нари борса йигирма ёшларда. Энг ёши улуғи Малоҳат эди. Кетар чоғи аёлларнинг уч-тўрттасини тўданинг эркаклари ўзларига никоҳлаб олиб, Тошкентда олиб қолишди.

— Тергов жараёнида Тошкентда ўзини портлатган аёлларнинг суратларини менга кўрсатишди. Бу ўша гуруҳдан ажралиб, шу ерда қолган аёллар эди. Мен уларни дарров танидим, — дейди Малоҳат суҳбатда.

Орадан бир неча кун ўтгач, Малоҳат ҳамроҳлари билан Қозоғистон орқали Бокуга, сўнгра Покистонга етиб келди. Йўл азоби, чегаралардан ўғринча ўтишлар, иркит меҳмонхоналарда ўтказган бедор тунлардан сўнг Малоҳат бетоб бўлиб, уйига кетишини айтди. Бу эса аёлларни чет элда кутиб олган "онабоши" Шоҳидага ёқмади.

— Бизни сиздан бошқа қиладиган ишимиз йўқ, деб ўйлайсизми?! — деди Шоҳида кўзлари олайиб. — Агар уйингизга кетадиган бўлсангиз, ана "шаҳид"лик белбоғини тақинг. Бориб Тошкентни портлатинг. Худо йўлига жонингизни садқа қилинг. Бўлмаса шу ерда қолиб, биз нимани буюрсак, ўшани сўзсиз бажарасиз!

Шоҳида тенгдоши бўлгани учунми Малоҳат ҳам бўш келмади: "Менга ўзингни портлатасан дейишмаган. Менинг вазифам бутунлай бошқа. Сенинг ақлинг етмайдиган ишларни мен қиламан", деди. Икки аёл чарчагунча юмма талашишди. Кейинчалик бундай даҳанаки жанглар кундалик можарога айланди.

Улар яшаётган қашшоқ хонадон ҳовлиси кундузги жазирамада, гўё кимсасиздек жим-жит бўлар, кечга бориб эса эркак ва аёлларнинг овқатланиш ва дам олиш маконига айланарди. Жангарилар бир-бирларига лақабларини айтиб мурожаат этишарди.

Тошкентда содир бўлган портлашлар ҳақидаги шум хабарни "сайёҳлар" хурсандчилик билан қарши олишди. Ҳатто, буни нишонлашди. Орадан бир неча кун ўтгач, гуруҳнинг ёш-ёш қизларини жангариларга никоҳлаб беришди. Аёллар бу ерда эркакларнинг кир-чирини ювиш, овқат пиширишу "хотин вазифаси"ни бажариш билан биргаликда машғулотларда ҳам иштирок этишлари керак эди. Қўлидан бетоб бўлишу, нолишдан бошқа иш келмайдиган Малоҳатга муносиб куёв топилмади.

Онги заҳарланган, бутунлай итоатгўй бўлиб, ақидапарастликка мукасидан кетган, аламзада аёлларни эса ўзини портлашишга тайёрлашар эди. Бу гуруҳ совуқ нигоҳли, одамови ва ўта муҳим вазифани бажаришга ёлланганликларидан телбаларча мағрурланадиган мутелардан иборат. Жангарилар орасида улар ўлим тўдаси сифатида танилган. Малоҳатни шу тўдага қўшиб юборишди. Аммо табиатан бетгачопар, қайсар аёлни қайта тарбиялашнинг иложи бўлмади. Малоҳат дўқпўписаларга қарамай, машғулотларда иштирок этишдан бош тортди.

Шундан кейин аёллар Малоҳатни ёлғизлатиб қўйишди. Фарзанди тенги қизлар унинг ҳар бир ишидан айб топиб, устидан кулишар, уни очиқчасига беҳурмат қилишарди. У эртаю кеч болохонада ўз хаёллари билан банд ўтирар, овқат маҳали бўлганида эса қизлар пастдан туриб унга шиппак отишарди. Аёллар бошчиси Шоҳида эса уни лагерга бошлаб келгани учун жангарилардан роса маломатларга қолди. У Малоҳатдан қутулиш чорасини излай бошлади.

Бир куни Шоҳида унга: "Тез кийининг, бир жойга борамиз," деб қолди. Бекорчилигу дилхираликлардан зериккан Малоҳат тезда отланиб чиқди. Узоқ йўл босиб, икки аёл чет қишлоқдаги хонадонга кириб боришди. У ерда фақат покистонликлар бор эди. Малоҳат уларнинг тилини тушунмай, нима дейишса ўтираверди. Кейин Шоҳида кўринмай қолди. Имо-ишора билан уни сўраган эди, "кетди", дейишди. Малоҳат ваҳимага тушиб қолди. Кейин уни алоҳида бир хонага таклиф қилишди. У ерда бир эркак ўтирарди. Улар ёлғиз қолишгач, эркак Малоҳатга имо-ишора билан уларни никоҳлаб қўйишганини тушунтирди.

"Турмуш ўртоғи"нинг тўрт нафар фарзанди бор экан. Уларни онаси ташлаб кетибди. Хонадон қашшоқ бўлмаса-да, уйнинг аҳволига қараб бўлмас даражада эди. Болалар ҳам кир-чир. Малоҳат жавраб-жавраб уйни эпақага келтирди, болаларни ювиб-тарарди. У чўридай кун бўйи тиним билмай ишлар, бир оз тин олса, "эри"нинг маломатига қоларди. У бир неча бор "турмуш ўртоғи"га уйга кетиши кераклигини айтди. Аммо у Малоҳатга ёрдам беришни истамади, аксинча уни катта пулга сотиб олганини пеш қилиб, баттар хўрларди.

Бир куни "эри" иш билан узоқ сафарга кетганда, Малоҳат пайтдан фойдаланиб, ўзини кўчага отди. Бегона юртда шахсни тасдиқловчи ҳужжатларсиз тентираб юришлари узоққа чўзилмади. Тергов давомида дастлаб ноқонуний чет элга чиқиш жиноятини содир этганликда гумон қилинган Малоҳатнинг "хорижий сафари"нинг асл сабаб ва тафсилотлари ҳам маълум бўлди.

Балки суд ҳукми билан белгиланган муддат уни "нодонлиги туфайли" кириб қолган кўчадан қайтарар. Сочига оқ оралаган бу аёлнинг қалбида вақти келиб, лоақал пушаймонлик ҳисси уйғонар.

... Йиллар ўтган сайин инсоннинг дунёқараши кенгайиб, ақлига ақл қўшилади. Аммо улғаяётган ёшга ақл эш бўлмаса, қийин экан.

М.МУХТОРОВА

9 МАЙ — Хотира ва қадрлаш куни

Ерзин домла Иккинчи жаҳон урушининг фаол иштирокчиси, командир бўлган. Қизиғи шундаки, у бошлиқ бўлган қисмда ўзбек йигитлари кўп бўлиб, уларнинг аксарияти Фарғона, Самарқанд, Жиззах томонлардан экан.

Кунларнинг бирида уларнинг қисми душманга қарши ҳужумга ўтиб, аҳоли яшайдиган бир неча қишлоқ ва кичик бир шаҳарчани озод қилишган. Шундан кейин уларнинг полки катта тепаликка ўрнашиб, ҳордиқ чиқара бошлашган. Ёз. Атроф кўм-кўк. Осмонда булут йўқ. Қуёш чарақлаб, нур сочиб турган бўлган.

Кичик ғалабадан кейин жангчи йигитларнинг кайфияти яхши, кимдир майсага чўзилиб, кўзини юмиб, мизғиётган, кимдир эгнини ечиб, пайтавасини қуритар, оёғига дам берар, кимдир ўз қурол-яроғини тозалар, яна кимдир тиззасининг кўзига қоғозини қўйиб, уйига хат ёзар, қорни очганлари нималарнидир тамадди қилишаркан. Уларнинг кўпчилиги ёшлар эмасми, бир-бири билан ҳазиллашиб, ўзаро қўл сиқишиб, куч синашаётганлар ҳам бўлган.

Университетда бизга Ватан тарихи бўйича таниқли олим, моҳир педагог Ҳанафий Абдуллаевич Ерзин маъруза ўқиган эдилар. У киши ўз дарсига оид материалларни шундай яхши билар ва шундай қизиқарли қилиб гапирардиларки, қирқ беш дақиқа давомида биров чурқ этмас, пашша учса билинарди. Кунларнинг бирида у киши XV асрнинг биринчи ва иккинчи ярмида Ўзбекистонда фан ва маданият ниҳоятда ривожланганини, хусусан, мусиқа соҳасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилганини, санъатнинг бошқа ҳеч бир соҳаси инсон руҳиятига мусиқачалик таъсир эта олмаслигини гапириб туриб, бунга мисол сифатида урушда бўлган ва ўзи гувоҳ бўлган бир воқеани сўзлаб берган эдилар.

ОНА ЮРТ ОВОЗИ

Уларнинг орасида тошкентлик бир рус аскари ҳам бўлиб, у ўзбекчани яхши билган. Унинг кичкина радиоси бўлиб, бўш қолганда унинг қулоғини бураганини бураган, қайсидир тўлқинларда яхши куй ёки ашулани ушласа, бу билан ўртоқларини хурсанд қилишга ишқибоз бўлган. Фронт ҳаёти, жангчиларнинг турмуши баъзан бир хилдек кўринса ҳам, лекин унда ногоҳ ҳеч кутилмаган, бахтли ҳодисалар юз бериши ҳам ҳеч гап эмас.

Шундай бўлган ҳам. Ҳеч ким билан гаплашмай, одатдагидек, дам радиосининг ичини кавлаб, дам қулоғини бураб ўтирган ўша тошкентлик Саша деган йигит бирдан бақириб, ўзбек аскарларини олдига чақира бошлаган:

— Тез келларинг! Тез келларинг! Тошкентни тутдим! Ўзбекча ашула бўлаяпти! Ўзбекча!

Бу гап атрофга яшиндек тарқалди. Ҳамма ўзбек аскарлар, — биров оёқяланг, биров бошида шапкаси йўқ, — унинг олдига етиб келишган. Не қулоқ билан эшитсинки, чиндан ҳам радиода кимсан — Ҳалима Носирова куйлаётган, куйлаганда ҳам ўзининг баланд овози билан куйлаётган бўлган. Ўзбек йигитларининг юзларида кулгу, табассум, радиодан чиққан овозни биров тик туриб эшитаётган бўлса, биров ўтириб, биров ёнбошлаб эшита бошлаган. Неча минг километрдан келаётган овоз ҳамманинг диққатини оҳанрабодек ўзига тортиб олган. Ўзаро яқин, жангчилар қўлларини бир-бирларининг елкаларига қўйиб, қимирламай тинглашар экан, ашула авжига келганда беихтиёр "Баракалла!", "Бор бўлинг, опа!", "Яшанг!" деган овозлар ҳам янграб турган. Буюк хонанда, уларнинг тасаввурида, бу ерга ўзи ташриф буюргандек бўлган.

Ҳанафий Абдуллаевич ёшларни яқин орада бу даражада хурсанд бўлганини кўрмаган экан.

Шу пайт бирданига радио овози ўчиб қолган. Сўнг уни ҳеч ким, Сашанинг ўзи ҳам тузатолмаган.

Радио билан боғлиқ ҳангоманинг буёғи янада дахшатли бўлган. Шу пайтгача бутун диққатини радиога қаратган аскарлар энди юртини, ота-онасини соғиниб йиғлашга тушган. Бири осмонга қараб йиғласа, иккинчиси ерга ётиб олиб, ажрикни чангаллаб йиғлаган. Яна бирови овоз чиқармай йиғласа, бошқаси ёш болалардай ҳўнграб йиғлаган. Кимдир соғинган кишисининг отини айтиб йиғласа, бошқа бирови ичида ўзи билан ўзи гаплашиб, хиқиллаб, пиқиллаб йиғлаган. Бошқа миллат фарзандлари эса бу аҳволни, бу манзарани, кўриб лолу ҳайрон.

Ҳанафий Абдуллаевич эса уларнинг ҳар бирининг олдига бориб, бошини силаб, нималардир деб, тасалли беришга ҳаракат қилган:

— Бизнингча, укалар, урушнинг ярмидан ўтилди. Энди омад бизга кулиб боқаётгандек. Худо хоҳласа, яъни она юртларингизга, ота-оналарингизнинг бағрига қайтиб борасизлар. Бу кўрганларимиз эса тушдек, эртакдек бўлиб қолади!.. Мен бунга ишонаман.

Шундан кейин ўзбек жангчи йигитлари, ўзларини бардам ҳис этиб хоҳ жангларда бўлсин, хоҳ кундалик турмушда — ўзларини ҳар жихатдан яхши кўрсата билганлар.

Ҳанафий Абдуллаевич мусиқанинг, қўшиқнинг инсонлар ҳаётидаги кучқудратини биринчи маротаба ўшанда кўрган ва бир умрга эслаб қолган эканлар.

Абдукодир ҲАЙИТМЕТОВ

Тўра ЖУМАН — Иккинчи жаҳон уруши даҳшатларини кўз билан кўриб, жангларда фаол иштирок этган шоир. У кексалик даврида юртимиз мустақиллиги неъматларидан баҳраманд бўлиб яшамоқда. Шеър эса унинг бир умрлик йўлдоши.

ЎТИБ КЕТДИ

Севгида бўлиб танҳо Фарҳод,
Ширин ўтиб кетди,
Лайли, Мажнунлар ишқида
тониб ўриш ўтиб кетди.
Муҳаббат йўлидаги
тўсиқларни писанд қилмай,
Тоҳир Зуҳра дунёдан
бирин-бирин ўтиб кетди.
Ватанни, элини севиб
жангда қон тўкканлар,
Душман азоб берса-да,
айтмай сирин ўтиб кетди.
Қанча-қанча ошиқлар ишқида
машҳур бўлиб , Тўра,
Тонг пайт, кундуз, пешинда
ё кечқурун ўтиб кетди.

ЁМОНЛИКНИНГ ТУРИ КЎП

Ёмонликнинг тури кўп,
унинг бештаси шулар —
Биринчиси: ҳурматсиз
таъма қилган кишилар.
Иккинчиси: ваъдани
бажармаслик пасткашлик,
Инсон ҳисобланмаган
ҳамма вақт ёлғончилар.
Учинчиси: ғазабдир,
кимки унга эрк берса,
Жаҳлининг оловида ўзи
ёниб кул бўлар.
Тўртинчиси: фоҳиша,
унга қизиққанларга,
Шодлик насиб этмайди,
кўнглида қайғу тўлар.
Бешинчиси: ўқишга
кўнгил қўймаслик, Тўра,
Баъзи ярамасликни
илмсиз одам қилар.

ГУЛЛАР ИҚБОЛ-БАХТИМИЗ

Эй дўстлар, фаровон,
тинч яшамоқда халқимиз,
Қандай ишни истасак,
унга тўлиқ ҳақлимиз.
Кўнгиллар ҳароратли,
чехрамиз нурга тўла,
Хурсандчиликлар шуки,
ҳеч синмайди шаҳдимиз.
Барча миллат фарзанди
бир оила кабидар,
Елкадош, ҳамкор бўлиб
ишлаш бизнинг аҳдимиз.
Бошни ривожлантирсак,
ватан ривожланади,
Тўра эзгу иш қилса,
гуллар иқбол-бахтимиз.

Тўра ЖУМАН

Сурхондарё вилояти

Қирқ тўртинчи йил... Урушнинг тақдири ҳал бўлаётган кезлар. Уруш ғарбга қараб силжиб борарди. Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида шаклланган 209-ўқчи қисмнинг асосий вазифаси фронтга озиқ-овқат, ўқ-дори ва жангчиларга кийим-бош етказиб беришдан иборат эди.

"ОТАМ НОМИ БИЛАН ЯШАЙМАН"

Арис станциясидан кузатилаётган ўқ-дори, озиқ-овқат ортилган эшелонларни жангчоҳларга кузатиб бориш Омон ака сингари чапдаст йигитларга ишониб топширилган эди. Неча маротаба немис самолётлари ўқ ёмғири остидан эшелонларни олиб ўтдилар. Уруш даҳшатларини Омон ака шундай хотирлайди:

— Немислар охирида шундай хилдаги самолётларни урушга ташладилар-ки, учиб ўтаётгандагина бир кўзингиз илади, холос. Лекин бир жаҳон ўқни ёмғирдай ёғдира олади, тонналаб бомбаларни ташлашга улгуради. Бизга эса қатъий топшириқ бор: битта вагонни ҳам шикастлантирмай манзилга етказиб бориш. Узоқдан самолётлар кўрингани ҳамон зенитчиларимиз "тилга киради". Айниқса, Белорус ўрмонларидан чиқиб, кўзланган манзилга етишга озгина қолганида юз берган бомбардимон ҳеч эсимдан чиқмайди. 10 километр йўл юриш учун 5 соатлар немис самолётлари билан жанг қилганмиз. Кўпгина сафдошларим шу жангда ҳалок бўлишди. Аммо ўқ-дори ортилган эшелон сақлаб қолинди.

Омон бобо Румин йўллари аро кетаётган ўқ-дори ортилган эшелонни сақлаб қолиш учун кечган жангларда оғир ярадор бўлди. Ҳарбий госпиталда даволаниб, соғайгунга қадар уруш ҳам тугади. Аммо яроқли деб топилган бойсунлик алп йигитни бошқалар қатори Кавказ орти ҳарбий округига жўнатдилар. Грузия ерларида туриб, Туркия билан чегара ҳудудларини беш йил қўриқлади. 1950 йилнинг апрелида у Бойсунга қайтиб келди. Бу пайтда уруш қолдирган асоратлар чекиниб, одамлар жонли ҳаётга киришган, юртда меҳнат қўшиғи янграрди. Ана шу қўшиқнинг жўр овозчиси Омон ака бўлди. Оила қўшиғи, ёғдулар қўшиғи...

Бугун Омон ака Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги олдидан туманда ўтказилаётган ҳар битта тадбирнинг азиз меҳмонига айланган. Ўнлаб жанговар ва юбилей медаллари, нишонлар унинг кўксида. Омон ака Белорус ўрмонлари яқинида кўрсатган жасорати учун "Қизил юлдуз" ордени билан мукофотлангани-ю, Бухарестда ярадор бўлиб, ўзини билмай қолган пайтида қаердадир қолиб кетганини таъкидлайди. Биз бир-бир ҳужжатларни кўздан кечираётганимизда қизиқ бир фактнинг гувоҳи бўлдик. Бойсунликларнинг етти яшаридан етмиш яшаригача "Омон ака", "Омон бобо" бўлиб келган фидойи инсоннинг асл исми Раҳмонберди, фамилияси Омонов экан.

— Отамнинг номини олиб мени чақираверишди, — дейди у мийиғида кулиб. — Падарим дийдорига тўймаганман, юзларини эслолмайман ҳам. Шунинг учун отамнинг хотираси ўчмасин, деб индамай қўявердим.

Отахон хонадонининг давраси ҳамиша кенг. Қудрат опа ва Раҳмонберди боболар 10 фарзандни тарбиялаб, вояга етказдилар. Ҳаммаси уйли-жойли, бола-чақали. Кунора ота-она ҳолидан хабарлашадилар. 34 нафар невара, 2 нафар чевара шу хонадоннинг шодлиги...

Омон ШУКУРОВ,
Парда НАЗАРОВ.

ЎТМИШ ХУЛОСАСИ БУГУНГА САБОҚ

Маълумки, Иккинчи жаҳон урушида фашизимга қарши жангга отланганлар орасида 1,5 миллон нафар ҳамюртларимиз ҳам бор эди.

Ўзбекистонлик жангчилар Москва, Сталинград остоналаридан то Германия фашистлари қароргоҳи жойлашган Берлингача бўлган узоқ масофада жойлашган минглаб шаҳар ва қишлоқлар учун бўлган шафқатсиз жангларда иштирок этиб, жасорат ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар ва дунёни фашизм асоратидан озод этиш ишига, ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар.

Маълумки, Сталинград жанги Иккинчи жаҳон уруши тарихида фашизимни тор-мор қилишдаги ҳал қилувчи жанглардан бўлди. Ушбу жангда икки томондан 2 млн. нафарга яқин ҳарбийлар, 2 минг танк, 2300 та самолёт қатнашганди.

Жанубий-Ғарбий фронтда ўзбек ўғлонлари Кўчқор Турдиев, Белгородда сержант Қудрат Суюнов шуҳрати фронт бўйлаб кенг ёйилган эди. Дон дарёсининг ўнг соҳилидаги бир нуқтага, яъни тепаликка , —Олий Бош Қўмондонлик қароргоҳига жуда катта аҳамият берилган эди. Тепаликда душманнинг 4 амбразурали дзоти жойлашган эди. Тепаликда душманинг ёғоч-тупроқли ўт очиш нуқтасини йўқ қилиб, уни эгаллаш ва сақлаб туриш учун бўлган қаттиқ жангларда шарқлик 11 нафар жангчи юксак жасорат намуналарини кўрсатадилар. Улар тепалик бўсағасида фашистларнинг йўлини тўсиб қолишга муяссар бўлдилар. Бу эса душманни улоқтириб ташлашга имкон берди. Урушдан кейин бу тепаликка "Шарқнинг ўн бир қаҳрамони" номи берилди ва унга 11 нафар жангчининг номлари ёзилди. Улар бокулик Михаил Кабрибов, қамашилик Абдураҳмон Эрдонов, Диёр Аҳмедов ва Субҳон Файзиевлар, Оқработ қишлоғидан Бобоёр Ғафоров, Нормурод Ҳайитовлар, нарпайлик Сафар Мардонов, Собир Толипов, Худойқул Мусаев, Комил Хузин, Баҳром Алибековлар эди.

Ана шундай оғир жангларда ҳамюртларимиздан яна бири — сурхондарёлик Исмоил Шукуров ҳам матонат кўрсатди. У ҳар дақиқада ўлим билан олишиб, душманга қарши қаҳрамонларча жанг қилди. Унинг бу жасорати бир қатор орден-медаллар билан мукофатланишига сабаб бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, И.Шукуров ҳозирда нафақада бўлишга қарамай, эл-юрт хизматида. У ўзи туғулган Сариосиё туманидаги Ғулат Хидиров номли ширкат хўжалигида яшайди. Урушдан сўнг, 1946 йилдан мазкур туманнинг Газарак қишлоғидаги Муқимий номидаги ўрта мактабда то 1991 йилга қадар, ўқитувчилик қилди. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ҳалол хизматлари учун республика, вилоят, туман миқёсидаги бир қанча мукофотларга сазовор бўлди.

Сталинград жанги нақадар даҳшатли бўлганини қуйидаги мисолдан билиш мумкин. Мамаев тепалигидаги бир куб метр ернинг тупроғи қизиб чиқарилганда ундан 1600 та ўқ , снаряд ва мина парчалари топилган. Ана шунча ўқ ва темир парчасига бардош берган киши ҳақиқий қаҳрамон бўлмай ким бўлиши мумкин?! "Сталинград мудофаси учун" медали билан Ўзбекистон жангчиларидан 2733 киши мукофатланди.

Дарҳақиқат, фашизм устидан эришилган ғалаба қанчадан-қанча кишиларнинг қони, ҳаёти эвазига қўлга киритилди. Зеро, ана шундай ўтмишнинг аччиқ сабоқларидан хулоса чиқариб, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиб, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз керак.

Ҳаким АЗИМОВ,
ТошДЮИ ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди.



Тошкент шаҳри

МАҲАЛЛАДА ЁДГОРЛИК

Ҳамза туманидаги Гулистон маҳалласида яшовчи Низомиддин Алимов ҳар бир тадбирда ўз маҳалладошларининг бошини бириктириб, оқсоқол Баҳодир Исмоиловнинг ёнида турувчи одам. Бунда Низомиддин аканинг маҳалладаги "Оталар чойхонаси" ишларига бош-қошлиги ҳам кўл келади.

Яқинда Низомиддин ака яна бир хайрли тадбирнинг амалга ошишида бош-қош бўлди: чойхона ҳовлисида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган маҳалладошлари хотирасига ёдгорлик яратилди. Ёдгорликнинг очилиш тантанасида маҳалла аҳли тўкин дастурхон атрофида жам бўлдилар. Айни кунларда ҳаёт бўлган олти нафар гулистонлик уруш қатнашчиларига алоҳида иззат-икром кўрсатилди, ҳомийларнинг совғалари топширилди.

— Албатта бундай тадбирлар маҳалла йиғини ходимлари фидойилиги ва ҳомийларнинг саховати билан амалга ошади, — дейди Низомиддин ака. — Чойхонамизда ёдгорлик бунёд этиш таклифини аввало оқсоқолимиз қувватладилар. Қолаверса, моҳир санъаткор, ҳайкалтарош Камол Тойметовнинг саъй-ҳаракатлари ҳам зиёда бўлди. Ёдгорликда тинч ва осуда ҳаёт фалсафаси, миллий руҳиятимиз ўзига хос тарзда ифода эттирилганди. Ўйлайманки, маҳалладошларимиз, Иккинчи жаҳон урушида шаҳид бўлган, бедарак йўқолган ёки жанглардан қайтгач ҳам яратувчанлик меҳнати билан халқ фаровонлигига ҳисса қўшиб кетган юртдошларимизни хотирлаб ёдгорлик пойига гуллар келтирганларини кўрганда бугунги кунда ҳаёт бўлган фронтчиларнинг кўнгли тоғдек кўтарилади, ўтганларининг руҳи шод бўлади.

СУРАТДА: *Гулистон маҳалласидаги "Оталар чойхонаси"да Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари хотирасига бунёд этилган ёдгорликнинг кўриниши.*

ЖАНГДА ЖАСОРАТ МЕҲНАТДА МАТОНАТ БИЛАН...

Абдуқодир Йўлдошев ҳарбий билим юртини тамомлагач, унга кичик лейтенант унвони берилди. 1943 йилнинг кузида у бошлиқ бир гуруҳ ёш солдатлар жангга юборилади. Улар Украинанинг Полтава шаҳрига бориб тушади. Бу ерда кичик станция бўлиб, ундаги омборларда немислар бостириб келган пайтда аҳолидан мажбуран тортиб олинган буғдой, ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотлари сақланарди. Гуруҳга омборларда соқчилик қилаётган немис солдатларини қўлга олиш ва халқ бойлигини сақлаб қолиш вазифаси топширилди.

Душман ўзларига қарши ҳужум қилинишини билиб "Тигр" русумли бир нечта танкни, тўп ва пулемётларни жангга ҳозирлаб қўйган эди.

Разведкачилар туннинг ярмида эмаклаб кетишди. Улар рўпарадаги ҳамда ўнг ва чапдаги постларни чамаси 300-350 метр узоқдан кузатишди. Немис солдатлари шинелларга ўраниб, автоматларига суянган ҳолда тик ва ўтирган ҳолда мудрашади. Айримлар тўп ва пулемётларни қучоқлаб уйқуга кетган. Демак, улар ширакайф...

Йўлдошев взводи тўрт томондан эмаклаб бориб, душманга бирдан ташланди. Постда турган немис солдатларининг қўплари турган жойида отиб ташланди ва айримлари асир олинди. Тонг саҳаргача станция ва унга қарашли омборлар немис соқчиларидан бутунлай озод қилинди.

Гвардиячи сержант Абдуқодир Йўлдошев иккинчи Украина фронти бўйлаб олиб борилган кўплаб жангларда қатнашиб моҳир пулемётчи, жасур разведкачи, баҳодир автоматчи сифатида танилди.

— Днепропетовск вилоятидаги жанглар ҳали-ҳануз кўз олдимдан кетмайди, — деб эслайди собиқ жангчи А.Йўлдошев. — Биргина Петихатка шаҳарчасини озод қилиш учун бўлган жангда немисларнинг 250 тадан ортиқ танки ёндирилди, минглаб солдат ва офицерлар ер тишлади.

Йўлдошев взводига ўрмон ичидаги қишлоқ кўчалари, мактаб ва хонадонларни бир карра кузатувдан ўтказиш ҳақида топшириқ берилади. Бу ерда бир ҳафта илгари қаттиқ жанг бўлиб, у бизнинг фойдамизга ҳал бўлган бўлса-да, чердак ҳамда ертўлаларда немис солдат ва офицерлари яшириниб ётарди. Қишлоқда фақат ногирон қариялар, ёш болалар омон қолган эди.

Икки кеча-ю икки кундузда қишлоқнинг барча кўчалари, чердагу ертўлалари кўздан кечириб чиқилди. Ўнлаб фашистлар қурол-яроқлари билан қўлга олинди. Лекин кузатув қурбонсиз бўлмади. Пистирмада ётган немис солдатлари баъзан қаршилик кўрсатиб, етти нафар солдатимизнинг умрига зомин бўлди. Взвод командири Абдуқодир шу жангда ўнг қўлидан яраланди.

Абдуқодир Йўлдошев икки ой давомида дала госпиталида даволанади. Яраси ҳа деганда битавермагач, Саратов шаҳридаги шифохонага юборилади. Сўнгра Самара шаҳридаги шифохонага тушади. 1944 йиллнг охирида у туғилиб

Фарғона вилояти

ўсган юрти Ўзбекистонга қайтиб келади. Шу пайтда унинг кўксида "Жасурлиги учун" медали, Биринчи даражали "Улуғ Ватан уруши" ордени ва бошқа кўплаб медаллар бор эди.

Абдуқодир Йўлдошев уйида бир ҳафта дам олгач, уни вилоят ҳарбий комиссариати чақириб, Фарғона туманининг Аввал қишлоғидаги мактабларнинг бирига ўқитувчи қилиб юборишди. У ёшларга ҳарбий таълим бўйича дарс бера бошлади.

А.Йўлдошев мактаб ҳовлисидаги очиқ майдонда дарс ўтаётган пайтда узоқдан "Ғалаба, ура, биз немислар устидан ғалаба қозондик!" деган овоз янграйди. Бу райком ходими Сартаевнинг овози эди. У қишлоқма-қишлоқ отда юриб, одамларга хушхабар тарқатарди. Бир зумда кўчалар одамларга тўлар, ҳамма кўзида тўла ёш билан бир-бирларини "Ғалаба" билан табрикларди.

Абдуқодир Йўлдошев колхозда котиблик қила бошлайди. Кейинчалик Қўқон шаҳридаги ҳисобчилар тайёрлаш курсида ўқиб, колхозда бош ҳисобчи бўлиб ишлайди. Орадан кўп вақт ўтмай раисликка сайланади. У бу вазифада ўттиз йилдан ортиқ ишлайди.

А.Йўлдошев раис бўлиб ишлаган даврда "Победа" (ҳозирги "Гулистон") ширкат хўжалиги ҳар томонлама гуркираб ривожланади. Иқтисодий жиҳатдан вилоятдаги энг бақувват хўжаликка айланади.

Собиқ жангчи — раис бугунги кунда қарилик гаштини сураяпти. У Дамкул маҳалласи фуқаролар йиғинидаги энг фаол фуқаро ҳисобланади. Маҳалладаги тўй-маърака унинг иштирокисиз ўтмайди. Тез-тез коллеж ва мактабларда бўлиб ёшларга уруш таассуротлари ҳақида сўзлаб беради, ватанни севиш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш ҳақида панду насиҳатлар қилади.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

"Китоб (битик) барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир", деган эди буюк бобокалонимиз Амир Темур. Шарқнинг буюк олиму фозиллари бутун ҳаётлари давомида китоб шайдоси бўлганлар, билим хазинаси—кутубхоналар ташкил этиб, уларда минглаб ноёб китоблар ва қўлёзмаларни эҳтиёткорлик билан сақлаб келганлар. Буюк давлат арбоби ва ҳарбий саркарда Амир Темур ҳам ёшлигидан илмга, китобга зўр қизиқиш билан қараган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди:

МАЪНАВИЯТ ХАЗИНАСИ

"Етти ёшга тўлганимда мени мадрасага олиб боришди ва қўлимга сўзлар жадвалини беришди. Мен ўқий бошладим ва эришган муваффақиятларимдан беҳад хурсанд бўлдим. Мен тўққиз ёшга тўлганимда номоз ўқий бошладим ва мадрасадаги барча ўқувчилардан устун бўлиб олдим".

Амир Темур ёшлик чоғидан мард, довюрак, ғурурли, ўткир зеҳн ва ақлу идрок эгаси бўлиб ўсди. Шунингдек, унинг болалигидан ҳарбий ишларга майли кучли бўлган. Фалакиёт, тиббиёт, меъморчилик, математика илмларидан хабардор бўлган, шахматни яхши билган, тарихни, айниқса, жанг-жадаллар тарихини севиб ўрганган. Амир Темур давлатни юксалтиришда илму фаннинг аҳамияти беқиёслигини яхши билган ва шу сабабли олиму уламоларга катта иззат-икром кўрсатган. Амир Темур юрти — Шаҳрисабзни ўз даврида Ўрта Осиёнинг маънавий марказларидан бирига айлантирмоқ мақсадида унга алоҳида эътибор билан қараган. Шу боисдан ҳам кейинчалик бу шаҳар "Ахлоқ ва илм гумбази" деган унвонга эга бўлганлиги бежиз эмас. Амир Темур Шаҳрисабзда кутубхона барпо этиб, унда турли соҳалар бўйича ноёб қўлёзма асарлар ва нодир китобларни тўплади. Кейинчалик Самарқанд Амир Темур давлатининг пойтахти бўлгач, у асосий эътиборини шу ерга қаратди. Амир Темур даврида Самарқанд илм-фан ва санъат тараққиётида ҳам йирик марказлардан бирига айланди. Амир Темур замонида Самарқандда барпо этилган кутубхона энг бой ва катта кутубхоналардан бири саналган. Соҳибқироннинг Тепақўрғон қалъасида жойлашган Кўксаройдаги кутубхонаси ҳам ана шундай таърифга сазовор бўлган. Амир Темурнинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига қилган юришлари вақтида қўлга киритилган қимматбаҳо ўлжалар қаторида нодир қўлёзма асарлар ҳам моддий бойлик сифатида Самарқандга келтирилган. Амир Темур империясининг пойтахти — Самарқандга Болқон, Юнонистон, Миср, Хитой ва бошқа Шарқ мамлакатларининг элчилари қаторида олиму фузалолар ҳам келганлар. Улар совға-саломлар қаторида албатта, фаннинг турли соҳаларига доир нодир қўлёзма асарлар ва китоблар ҳам олиб келганлар. Агар Амир Темурнинг Эрон, Ироқ, Туркия, Сурия, Ҳиндистон каби давлатларни эгаллагани назарда тутилса, у ҳолда ишонч билан айтиш жоизки, кутубхонада Ҳинд магиячиларининг балиқ тангачалари билан безатилган китоблари, папирус қоғозлари ўрамлари, бобилча сопол лавҳалар, жавоҳир бандакли жуда кўп китоблар жамланган. Шунингдек, улар ичида илмий, тарихий, бадиий китоблар ва ҳатто дори-дармонлар бўйича махсус қўлланмалар ҳам бўлган.

Бу ноёб зиёбахш маскандан амирзодалар, Соҳибқироннинг набиралари ҳамда олиму фузалолар фойдаланишган. Жумладан, Амир Темурнинг суюкли набираси, буюк олим ва жамоат арбоби Мирзо Улуғбек, унинг шогирдлари математик, астроном Али Қушчи, Мирим Чалабий, Абдул али Биржандий ҳамда замонасининг етук олимлари Гиёсиддин Жамшид, Қозизода Румийлар баҳраманд бўлишган. Амир Темур вафотидан кейин ушбу кутубхона Мирзо Улуғбек ихтиёрига ўтган ва унинг ҳукмронлиги даврида Самарқандда илм-фан ва санъатнинг гуллаб-яшнаши учун янги имкониятлар вужудга келди. Улуғбек илм-фан, маданият, санъат ва меъморчиликни янада ривожлантиришга катта эътибор берди, мадрасалар қурдирди. Уларда таълим-тарбия ишларини юқори даражага кўтарди, бобоси ишини давом эттириб, илмий изланишлар олиб борди. Жаҳонга маълум ва машҳур бўлган асарлари, ноёб китоблари билан кутубхонани янада бойитди. Амир Темур замондошларининг ҳикоя қилишларича, Мирзо Улуғбек даврида қўлёзма асарлар ва китоблар жамланган, ўша замон илм-фанининг деярли барча соҳаларини ўз ичига қамраган, 15 минг жилдлик китоблар сақланадиган кутубхона мавжуд бўлган. Бизнинг фикримизча, ушбу кутубхонада хорижий мамлакатларнинг қирол ва подшоҳлари, жумладан, Амир Темурнинг Англия қироли Генрих IV, Франция қироли Карга VI ва Кастилия ҳамда Леон қироли Генрих де Траптамара билан дипломатик ёзишмалари, элчилар орқали махсус йўлланган мактублар ҳам сақланган бўлиши мумкин.

"Етти ёшга тўлганимда мени мадрасага олиб боришди ва қўлимга сўзлар жадвалини беришди. Мен ўқий бошладим ва эришган муваффақиятларимдан беҳад хурсанд бўлдим. Мен тўққиз ёшга тўлганимда номоз ўқий бошладим ва мадрасадаги барча ўқувчилардан устун бўлиб олдим"

Минг афсуски, Амир Темурнинг Самарқанддаги ана шу бебаҳо кутубхонаси 1448 йилда шаҳарга кўчманчи қабилалар ҳужум қилган пайтда қаттиқ шикастланади. Бу ҳақда тарихчи Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаъйи Саъдайи ва мажмаъйи баҳрайн" номли асарида маълумот келтирилган. Орадан кўп ўтмай, 1451 йили кўчманчиларнинг бошқа бир ҳужуми натижасида кутубхонадаги ноёб қўлёзма ва китоблар яна таланиб, оёқ ости қилинади. Кейинчалик, пойтахт Бухоро шаҳрига кўчгач, ушбу кутубхонадаги китоблар ўша ёққа олиб кетилади. Хуллас, Амир Темур даврида барпо этилган ва Мирзо Улуғбек вафотидан кейин талон-тарож қилинган кутубхона тақдири бугунги кунгача мавҳум қолмоқда. Аммо, бизнинг фикримизча, Амир Темур кутубхонаси тамоман изсиз йўқолиб кетмаган. Ундаги бой маънавий мероснинг бир қисми турли йўллар билан чет элларга олиб кетилган, бир қисми китобфурушлар томонидан сотиб юборилган, анча қисми эса талон-тарож қилинган бўлса-да, бир қисми Ўрта Осиё хонликларидаги пойтахт шаҳарларда амир ва хонлар ҳамда баъзи бир амалдорларнинг кутубхоналарида сақланган. Жумладан, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Тошкент ва Шаҳрисабздаги мадрасалар қошидаги ҳамда айрим мансабдор шахслар кутубхоналарида ҳам ҳам бой ва қимматбаҳо қўлёзмалар жамланганлиги маълум. Кўп йиллик тадқиқот ва изланишлардан кўриниб турибдики, илм шайдоси Амир Темур барпо этган йирик ва бебаҳо хазинадаги ҳар бир мисраси ноёб тарихга айланган китоблар мустамлака ва Шўро замонларида турли йўл билан хорижга олиб кетилган. Истиқлол шарофати билан қўлёзма ёдгорликларимизни авайлаб-асраш, изсиз кетганларини қидириб топиш, уларни юртимизга қайтариш борасида кўпгина ишлар қилинмоқда. Юртбошимизнинг фармони билан "Ўзбек халқи қўлёзма мероси" миллий маркази ташкил этилди. Самарқанд вилояти Челак туманида жойлашган Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуида очилган ушбу марказ халқ қўлида сақланиб келинаётган қадимий қўлёзмаларни жамлаш, ўрганиш ҳамда тарғиб этиш билан шуғулланади. Ҳозиргача бу ерда тўпланган манбаларнинг умумий сони 2 мингдан ошди. Аждодларимиз томонидан асрлар давомида яратилган қўлёзма асарлар, нодир китоблар, турли ҳужжатлар халқимиз маданияти, тарихи, адабиёти, тилини ўрганиш учун бой маълумотлар берувчи бирдан-бир ишончли манбаа, ҳужжатдир. Шу сабабли уларни кўз қорачиғимиздай асрашимиз ва келажак авлодларга етказишимиз керак.

Гулсара ОСТОНОВА, тарих фанлари номзоди,
Рашид БОЙТИЛЛАЕВ, санъатшунос.

Бугунги кунда юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаёт ҳақида сўз борар экан, бу ўринда ички ишлар идоралари ходимларининг беқиёс хизматини эътироф этиш жоиз.

Тошкент вилояти ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси ходимлари ҳам бу борада матонат билан меҳнат қилиб келаяпти. Улар маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган милиция таянч пунктларига аҳоли ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалалари юзасидан амалий тавсия ва йўл-йўриқлари билан кўмак бериб келаяпти.

СУРАТДА: *Тошкент вилояти ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник Хайриддин Миролимов бошқарма ходимлари билан.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Тошкент шаҳри

"ГУЛНОРА-ОНА"ДА АНЖУМАН

Яқинда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви, Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси, республика "Оила" маркази ташаббуси билан Мирзо Улуғбек туманида жойлашган "Гулнора-она" оила Марказида "Соғлом турмуш тарзи ва миллий қадриятлар" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Унда тумандаги маҳаллалар хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раислари, фаол аёллар, маҳалла оқсоқолларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирок этдилар.

Анжуманда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова, республика "Оила" маркази раҳбари Васила Каримова ва бошқа олималар, фаол аёллар соғлом турмуш тарзининг ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этиши, айниқса, катталар бу борада ёшларга ўрнак бўла олишлари жуда муҳимлиги ҳақида маъруза қилдилар. А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти "Халқ ижодиёти" кафедрасининг мудири, профессор С.Йўлдошеванинг "Оила маънавий муҳитини соғломлаштиришда миллий қадриятларимиз ўрни" мавзусидаги маърузаси тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар билан ишлаш комиссия раислари фаолиятлари юзасидан ўзаро фикр алмашдилар, таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар. Илмий-амалий анжуман баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди.

Тадбир А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти қошидаги "Чашма" фольклор-этнографик жамоасининг чиқиши билан якунланди.

МУХБИРИМИЗ

АЁЛ МЕҲРГА МУҲТОЖ

Хотин-қизларнинг ҳаётдаги ўрни, турмушнинг аччиқ-чучук синовларига бардоши, энг асосийси, ҳар бир аёлнинг дунёга келиши ва яшашидан мақсад нима? Улар ҳаёт мазмуни деганда нималарни тушунади, унинг оила ҳақидаги қарашлари қандай? Бу саволлар мени доим қизиқтириб, ўйлантириб келарди. Яқинда бўлиб ўтган бир воқеа бу мавзуда бирор нима қоралаш истагини туғдирди.

Таътилда қишлоққа бориб эшитганим — Муҳайёнинг вафоти ҳақидаги хабар менга жуда ёмон таъсир қилди. Чунки у билан бир маҳаллада ўсган, бир синфда ўқиган эдик. Маҳалла қизалоқлари биронтамизнинг ҳовлимизга йиғилиб кун ботгунча ўйнар, Муҳайёни эса бундай ўйинларга онаси кўп ҳам қўшмас, уй ишларидан боши чиқмасди. Онасидан қўрқиб, биз уни чақирмас эдик. Дугонамизнинг хамир қориши, овқат тайёрлаб, сигир соғишини ҳавас ва ҳайрат билан томоша қилиб турардик. Сабаби, бу ишлар бизнинг қўлимиздан келмас эди-да!

Муҳайёнинг ўқиши ҳеч кимни қизиқтирмас, сабабсиз ҳафталаб дарс қолдирарди. Ўқитувчимиз унинг онаси билан шу тўғрида гаплашмоқчи бўлганда:

— Қиз бола ўқиб олим бўлармиди? Ҳадемай турмуш қуради, иш ўргансин. Хоҳласангиз мактабдан ҳайдаб юборинг,— деди.

Хуллас, дугонам ҳатто исмини ҳам тўғри ёзишни билолмай мактабни битирди. Қариндошчилигимиз узилмасин, дея аммасининг ўғлига узатдилар. Орадан уч йил ўтиб институтдан қайтаётганимда Муҳайёни автобусда учратдим.

— Ўғлимнинг ногиронлиги учун мен айбдордек ҳамма зарда қилади. Шундоғам бегонадек эрим баттар узоқлашиб кетди. Кейинги болам қандай туғиларкан, деб хавотирдаман. Эсиз, ёшлигимда ўқисам, биронта институтга кирсам бўларкан, — деган эди хомуш ҳолда. Кўп ўтмай у соғлом қиз кўрди, лекин бола жарроҳлик йўли билан дунёга келди. Турмуш ўртоғининг қўлида ҳам бирон касб-ҳунари, дипломи бўлмаганидан деҳқончилик қилишар, Муҳайё ҳам далада эри билан теппа-тенг меҳнат қиларди. Ҳеч қандай қулайлик бўлмаган чайла, чақалоқ ва ногирон бола, оғир меҳнат уни ҳолдан тойдирди, бир неча муддат хасталаниб ётиб қолади. Врачлар оғир касаллик бошланаётганидан огоҳлантирадилар, далага чиқмаслик ва қуёш нуридан сақланишини маслаҳат берадилар. Буни эшитган қайнонаси жаҳл отига минади:

— Докторлар ваҳима қилаверади. Деҳқончилик соя-салқиннинг ишими? Беш бола билан қирқ йил далада ишладим, балоям ургани йўқ. Ҳозирги ёшлар тегма нозик бўлиб кетишяпти.

Бу гапларни эшитган келин яна эрига эргашиб, далага жўнади. Аввалига бир-икки жойидан чиққан яра кузга бориб бутун баданини қоплаб кетди. Шунча пайтдан бери хотининнинг соғлиги, орзу-ниятлари билан қизиқиб ҳам кўрмаган қуёв арзимаган баҳона сабаб Муҳайёни икки боласи билан отасиникига ташлади-кетди. Бечора ота-она юғуриб-елди, бор будини сотиб дори-дармонга сарфлади, аммо бари бефойда бўлди.

Ҳаётимизда юқоридаги каби воқеалар кўплаб учраса-да, уларда айбдор қидирилмайди, топиб жавобгарликка ҳам тортилмайди. Чунки бу фожиаларда жиноий ҳолат йўқ. Биз уни оддийгина қилиб "пешонасига битилгани шу экан" деб қўя қоламиз. Аслида бу фожианинг илдизи ҳам, сабаби ҳам барчамизнинг инсонга, унинг ҳаётига бефарқлигимизда.

Муҳайёнинг ўлимига сабаб оиласидагилар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар маҳалладошларнинг бепарволиги, инсон тақдирига лоқайдлиги эмасми? Балки ота-она қизларини ҳаётда оқу қорани ажрата оладиган, ўз тақдири ва бахти учун курашишга қодир, ўқимишли ёки ҳунарли қилиб тарбиялашлари керакмиди? Жиянининг чаққон ва пазандалиги, мўминқобиллиги, қоларса, қариндошлик ришталари узилмаслиги учун келин қилган қайнона ҳам аёл, она, рафиқа сифатида танасига ўйлаб кўрса бўлмасмиди? Воқеада қуёвнинг хатти-ҳаракатлари барчани ўйлантириб қўйиши шубҳасиз. Ахир эркак аёлини хонадоннинг хизматкори деб эмас, болаларининг онаси, яхши-ёмон кунларда ҳамдам, ўз бахтининг ярми деб билиши керак эмасми? Ўрни келганда айтиш керак, бизнинг ўзбек хонадонларимизнинг кўпида келинларга муносабат яхши эмас. Қайнонакелин можароси азалдан маълум. Фақат бизнинг қуёвлар бу можароларда одил бўлолмайдилар. Менимча, бундай ҳолларда улар хонадондаги аҳволдан келиб чиқиб шундай йўл тутсинларки, ҳар икки заифа ҳам ўзининг жуда керакли ва азиз эканлигини ҳис қилсинлар. Ҳадиси шарифлардан бирида шундай дейилади: "Одамлар ичида хотин кишига нисбатан ҳақлироғи унинг эридир. Эркак кишига нисбатан ҳақлироғи — бу унинг онасидир".

Қариндош-уруғ, маҳалладошлар ҳам Муҳайёнинг хонадонида юз бераётган воқеалардан бохабар бўлгани ҳолда томошабин бўлиб тураверганликларини ҳеч қандай сўз билан оқлаб бўлмайди. Эҳтимол, уларнинг аралашуви билан бир инсон бутунлай соғайиб кетмаса-да, дунёдан, одамлардан безмай, фарзандлари отасининг қучоғида қолаётганидан хотиржам кўз юмган бўларди. Шулар ҳақида мушоҳаза юрита туриб Президентимизнинг фуқаролар йиғини кенгашининг диний-маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги ташаббуси ҳамда унинг ҳаётга татбиқ этилганидан улкан мақсадлар кўзда тутилганини сезиш қийин эмас. Балки бу нарса фожиа юз беришидан аввалроқ таъсис этилганда ҳам Муҳайё оиласи тақдирини ўйлаб ёрдам сўраб боролмаган бўларди, лекин маҳалланинг яхши-ёмонидан, иссиқ-совуғидан бохабар бўлган маслаҳатчининг ҳаракати билан маҳалла оқсоқоллари ва кайвонилари бирон чора қўллаган бўлармидилар.

Дунёда инсондан азизроқ нарса йўқ. Шундай экан кимлигидан қатъий назар инсон шахсини ҳурмат қилишга, уни тушунишга, асраб-авайлашга ҳаракат қилайлик.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА

Самарқанд вилояти

Маҳалла янгиликлари

ЯНГИ ИШЧИ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛДИ

Жомбой туманидаги Кўкгумбаз маҳалласида аҳолини иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида "Ширин" тикув-бичув цехи очилди.

Маҳаллаларда ибратли ташаббус деб баҳоланган ушбу цехда 12 нафар хотин-қизлар доимий иш ўринларига эга бўлдилар.

ЎЗИНГГА ЭҲТИЁТ БЎЛ

Паст Дарғом туманидаги Олти қаҳрамон маҳалласида тунги кўнгиллилар пости ташкил этилди.

Маҳалла ёшлари ташаббуси билан ташкил этилган ушбу пост фаолияти натижасида тунда содир этиладиган турли ҳодисалар олди олинмоқда.

"ОТАНГ МАҲАЛЛА, ОНАНГ МАҲАЛЛА"

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан Булунғур туманидаги Губдин қишлоқ фуқаролар йиғинида ёшлар тарбияси бўйича учрашув ўтказилди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Гавҳар Худойбердиева, уруш ва меҳнат фахрийлари Раҳима Хўжаева, Ойдин Ниёзова ва бошқалар ёшлар тарбияси, аньана ва қадриятларни ҳаётга татбиқ этишда маҳалланинг роли ҳақида гапирдилар.

Рустам ҲАЙИТОВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Яқин икки-уч кун ичида молиявий жиҳатдан аҳволингиз яхшиланиб, бундан кайфиятингиз ҳам кўтарилиб қолиши эҳтимол.

СИГИР(22.04-20.05)

Тезкорлик билан тўпланган турли соҳага оид маълумотлар кутилмаганда жуда муҳим масалаларда асқотиши мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Яқин кунлардаги кайфиятингиз фақатгина оиладаги муҳитга боғлиқ бўлишини ҳисобга олган ҳолда, турмуш ўртоғингиз билан тортишманг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Шу кунларда кўнглингиз тусаган нарсаларга осон эришишингиз мумкин, лекин бундан ҳовлиқиб келмаганингиз маъқул.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Дам олиш кунларидаги кичик кўнгилхираликни ҳисобга олмаганда, яқин кунларда сизга омад кулиб боқиши турган гап.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Ўзгаларни ҳаддан ташқари танқид қилиб эътибор қозониш мумкин, лекин ҳурмат эмас. Яқин кунлар давомида буни асло унутманг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Шу кунларда кўпгина ишларни муваффақиятли уддалайсиз. Лекин уй жониворлари билан боғлиқ ташвишларингиз тез тугамайди.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Яқин кунларда ўз устингизда жиддий ишлашингизга тўғри келади. Бунинг учун қулай фурсат топишга ҳаракат қилинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Яқин кунларда турли йиғинлар, кўп кишилик меҳмондорчиликларга бормаганингиз маъқул. Шунда ғалвадан йироқ бўлдим, деяверинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Ишларингиз бир маромда кечади. Фақат сафарга отланган бўлсангиз, шанба куни асло йўлга чиқа кўрманг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Чув тушиб қолмай десангиз, яқин кунларда ҳеч қандай таклифларни, ҳатто дўстларингизнинг таклифини ҳам қабул қилманг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Дам олиш кунларига мўлжалланган режангиз кутилмаган барбод бўлиши мумкин. Асабийлашманг, вазиятдан чиқиб кетасиз.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани "Qonun xizmatchisi" шўъба корхонаси "Qonun xizmatchisi" унитар корхонасига айлантирилади. Манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси 7"а"-уй. Тел: 135-36-78.

Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги 5-мактаб томонидан 1996 йилда Эргашева Сайёра Эргашевна номига берилган US-AN 082349 сонли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

ООО "ENERGOTEXSERVIS" Хамзинского р-на г.Ташкента сообщает о реорганизации в ЧП "ENERGOTEXSERVIS". Претензии принимаются в течении 2-месяцев со дня опубликования объявления по адресу: ул.Х.Абдуллаева, 2.

Ассоциация "Ташвилояткурилиштранс" сообщает о своей ликвидации (ОКПО 17922873). Претензии принимаются в течении 2-месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент, ул. Тол-арик, 40.

ООО "BERMUD-THRI" Мирабадского р-на г.Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-месяцев со дня пуликации по адресу: ул.А.Кадирова, 70.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБиси томонидан "HUNAR-UNAR" ўқув ишлаб-чиқариш корхонаси номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБиси томонидан 2000 йилда "ELIKON-SERVIS" МЧЖга берилган думалоқ муҳр ва тўртбурчак штамп йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъноберди ҚУРБОНОВ, Абдулқодир ҲАЙИТМЕТОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93,
Тел/Факс: — 133-44-25,
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

9635 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-422
1 2 3 4 5
Топширилди —